



Озик-овкат махсулотларини ишлаб чикарувчи американинг Kellogg Co компанияси бахоси АКШ нинг 130 миллион доллар бўлган халол махсулотларни ишлаб чиқишга мўължалланган завод курмоқда. Малайзия худудида жойлашган бу завод Осиё-Тинч океан минтақасига халол махсулотларни етказиб бериши керак. 300 ишчи ишлаши мўължалланган бу завод жорий йилнинг ўрталарида ишга тушиши керак. Хабарда айтилишича, завод машхур Pringles чипсларини халол тамгаси билан ишлаб чикарар экан.

Завод қурилиши бошланиши олдидан ўтказилган тадбирга Малайзия Бош вазири Датук Сери Мухаммад Наджиб Резак жаноблари ҳам ташриф буюридилар.

Kellogg компаниясининг Осиё бўлимининг президенти Амита Банатининг айтишича, қурилаётган завод Таиланд худудида яқинда ишга туширилган халол махсулотларни ишлаб чиқариш бўйича бошқа заводининг қувватини янада ошириши кўзда тутилган.